



ДОНДАН СИФАТЛИ ВА ЮҚОРИ ХОСИЛ ОЛИШДА ОРГАНИК ҮҒИТЛАРДАН ИНТЕНСИВ ФОЙДАЛАНИШНИНГ АХАМИЯТИ

*ҚМИИ талаба ООТ-167-21 гурух Гелдиеев А.А.
дотцент Холмуродова З.Д.*

Annotation: According to the results of many years of scientific research in this article, when 20 t of manure is added per hectare, the yield of winter wheat grain increases to 6-12 t/h, and it is observed that its quality is high. Efficiency is also high. Efficiency is even higher when manure is used together with mineral fertilizers. In agriculture, manure is mainly applied in the form of sap flow before plowing in the fall, before planting and during the growing season. The rate of organic fertilizers is determined depending on soil fertility, organic fertilizer reserves and plant needs.

Key words: manure, organic fertilizer, peat, compost, agrophysics, agrochemical, strategic, wheat, productive

Аннотация: Согласно результатам многолетних научных исследований в этой статье, при внесении 20 тонн навоза на гектар урожайность зерна озимой пшеницы увеличивается до 6-12 тонн/час, при этом наблюдается высокое его качество... также высок. Эффективность еще выше при использовании навоза вместе с минеральными удобрениями. В сельском хозяйстве навоз преимущественно вносят в виде сокодвижения перед вспашкой осенью, перед посадкой и в период вегетации. Нормы органических удобрений определяются исходя из плодородия почвы, запасов органических удобрений и потребностей растений.

Ключевые слова: навоз, органическое удобрение, торф, компост, агрофизика, агрехимикаты, стратегические, пшеница, продуктивные.

Аннотация: Ушбу мақолада кўп йиллик илмий изланишлар натижаларига кўра, гектарига 20 т гўнг солинганда кузги буғдой донининг хосилдорлиги 6-12 т/соатга кўтарилиб, сифати юқорилиги кузатилмоқда. ҳам баланд. Гўнгни минерал үғитлар билан биргаликда ишлатганда самарадорлик янада юқори бўлади. Қишлоқ хўжалигида гўнг асосан кузда шудгорлашдан олдин, экишдан олдин ва вегетатсия даврида шира оқими шаклида солинади. Органик үғитлар нормаси тупроқ унумдорлиги, органик үғитлар захиралари ва ўсимлик эҳтиёжларига қараб белгиланади.

Калит сўзлар: гўнг, органик үғит, торф, компост, агрофизика, агрокимёвий, стратегик, девороқ буғдой, маҳсулдор



Ғаллачилик, хусусан бошоқли дон экинларидан мўл ҳосил етишириш мамлакатимиз дәхқончилигига муҳим стратегик аҳамиятга эга бўлган соҳалардан бири ҳисобланади.

Буғдойдан юқори дон ҳосили етиширишда минерал ўғитлар билан бир қаторда органик ўғитлар ҳам катта аҳамиятга эга.

Тупроқ унумдорлигини оширишнинг энг муҳим воситаларидан бири бу алмашлаб экиш тизимида гўнг ва бошқа органик ўғитлардар самарали фойдаланиш ҳисобланади. Айниқса дәхқончилик интенсив тарзда ривожланаётган бугунги қунда органик ўғитларга бўлган талаб ортиб бормоқда. Органик ўғитлар тупроқ унумдорлигини кўтариш билан бир қаторда, минерал ўғитлар самарадорлигини ҳам оширади.

Мунтазам тарзда органик ўғитлардан фойдаланиш тупроқ ҳайдалма қатламини озиқа моддаларга бойитиш билан бир қаторда, унинг барча хусусиятларини яхшилайди. Озиқа балансининг камидаги 40 % органик ўғитлар хисобига тўғри келиши лозим.

Ғаллачиликда қўлланиладиган асосий органик ўғитларга- гўнг, торф, турли компостлар киради. Органик ўғитлар кўпинча асосий ўғит сифатида шудгорлаш олдидан қўлланилади.

Асосий, энг кенг тарқалган органик ўғит ҳисобланади. Унинг таркибида ўсимлик учун зарур бўлган – азот, фосфор, калий, кальций, магний, темир, бор, молибден сингари барча озиқа моддалари мавжуд. Гўнгдан оқилона фойдаланилганда тупроқнинг агрофизик, агрокимёвий, сув ва ҳаво хоссалари кескин яхшиланади, шўрланиш ва тупроқнинг кислоталик даражасининг буғдойнинг ўсиш ва ривожланишига, микроорганизмларнинг ҳаёт фаолиятига салбий таъсири камаяди.

Республикамизнинг сугориладиган ерларида кузги буғдой учун органик ўғитлар, жумладан чорва ҳайвонлари гўнгининг қўллаш меъёри 15-20т/га сифатида белгиланган. Эррозияга мойил, унумдорлиги паст ерларда гўнгнинг меъёрини 25-30 т/га сифатида белгиланганда самараси юқори бўлади.

Гўнгнинг сифати-чорва ҳайвонининг тури ва боқилишига боғлиқ. Турли чорва ҳайвонлари гўнгининг кимёвий таркиби тўғрисидаги маълумотлар 1-жадвалда кетирилган.

1-жадвал

Турли чорва ҳайвонлари гўнгининг кимёвий таркиби



Гүнг	Умумий азот,	Аммиакли азот,	Фосфор,	Калий,	Органик кислота,	Кул,	Сув,	pH	C:N
Қорамол									
Қўй ва эчки									
От									
Чўчқа									

Кузги буғдой кеч муддатларда экилганда уруғ сийрак униб чиқади, ўсимлик тупланишга улгурмайди. Майсалар нимжон бўлиб, қишига чидамлилиги паст бўлади. Бундай далаларда бегона ўтлар кўп бўлиб, буғдой дон ҳосилдорлигини 8-10 центнерга камайишига олиб келади. Ўсимлик қишлоғга камида 3-4 поя чиқариб кириши учун кузги буғдой дастлабки совук тушишидан 50-55 кун илгари экилиши лозим. Шунда жами 5°C дан юқори бўлган ҳароратлар йиғиндиси $560-580^{\circ}\text{C}$ га тенг бўлади. Экиш муддати учун кулай ўртача ҳарорат $16-17^{\circ}\text{C}$ ҳисобланади.

2-жадвал

Кузги буғдойни униб чиқишидан пишиш давригача ҳарорат миқдори.

Фазалар	Кунлик ҳарорат	Фойдали ҳаракат йиғиндиси
Униб чиқиши, майсалаш	$12-20^{\circ}\text{C}$	$120-140^{\circ}\text{C}$
Туплаш фазаси	$8-12^{\circ}\text{C}$	$250-320^{\circ}\text{C}$
Найчалаш фазаси	$13-20^{\circ}\text{C}$	$380-500^{\circ}\text{C}$
Бошоқлаш фазаси	$20-30^{\circ}\text{C}$	$300-380^{\circ}\text{C}$
Гуллаш фазаси	$18-25^{\circ}\text{C}$	$200-260^{\circ}\text{C}$
Тулиқ пишиш фазаси	$25-30^{\circ}\text{C}$	$650-750^{\circ}\text{C}$
Жами		$1900-2350$

Баъзан куз иссиқ келганда баҳорги ва дуварак буғдой навларнинг уруғлари эрта муддатларда (август, сентябрь) экилганда қишлишгача ўсимликнинг бошоқ чиқаришига олиб келади. Бу эса ҳосилдорликка салбий таъсир этади.

Тажриба маълумотларини таҳлил қилиш шуни кўрсатдики, сугориладиган шароитда етарли меъёрда минерал ўғитлар қўлланилганда уруғ кузнинг дастлабки кунларида экилганда ўсимлик яхши тупланади, 1 m^2 майдонда 250-



300 дона ўсимлик бўлган шароитда ҳам маҳсулдор тупланувчанлиги ҳисобига 60-70 ц/га дон ҳосили етиштириш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар

- 1.Мусаев Б.С. «Агрокимё». «Шарқ», Тошкент – 2001й
2. Турдиев М., Азизов Б. Кузги буғдой ҳосилдорлиги алмашлаб экиш тизими ва маъдан ўғитларга боғлиқлиги.//ж. “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги”. 1998, № 3 28-29 б.